

## Умму Салама розияллоху анхонинг вафотлари



15:05 / 25.09.2019 4498

Умму Салама онамиз Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан кейин доимо ибодат билан машғул бўлдилар. Фақат ҳазрати Али розияллоху анхунинг даврларидагина у кишини ёқлаб, бир марта олдиларига келдилар. Умму Салама онамиз Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг олдига ўғиллари Умарни олиб келиб:

**«Эй мўминларнинг амири, агар Аллоҳ азза ва жаллага осий бўлишдан қўрқмаганимда ва сизнинг қабул қилмаслигингизни билмаганимда, албатта, сиз билан бирга чиққан бўлар эдим. Аллоҳга қасамки, ўғлим Умар мен учун ўзимдан ҳам азиз. У сиз билан чиқиб, урушларингизда қатнашади»,** дедилар.

Умму Салама онамиз ҳижрий эллик тўққизинчи санада, саксон тўрт ёшларида вафот этдилар. У киши мўминларнинг оналари ичидаги энг сўнгги вафот этган зотдирлар.

У кишининг жанозаларини васиятларига биноан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўқидилар. Қабрга эса ўғиллари Салама ва Умар розияллоҳу анҳумо ҳамда яна баъзи маҳрамлар қўйдилар.

Аллоҳ таоло Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳодан рози бўлсин!

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**